

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • www.xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2017 йил 21 октябрь, № 213 (6907) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## «ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА»

*Америка Қўшма Штатларининг ойига 4,2 миллионлик аудиторияга эга «Real Clear World» нашрида шундай сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унинг муаллифи — нашр шарҳловчиси ва «Corsair LLC» консалтинг компаниясининг бошқарувчи директори Жеймс Дурсо.*

Мақолада қайд этилишича, 2016 йилнинг 4 декабридан, яъни Шавкат Мирзиёев мамлакат Президенти этиб сайланган кундан бошлаб Ўзбекистон ўз тараққиётида янги босқичга қадам қўйди. Бунгача 13 йил давомида Бош вазир лавозимида фаолият юритган янги Президент қўшни мамлакатлар билан чегара ва сув ресурслари билан боғлиқ баҳсли ҳолатларга ечим топиш, миллий валюта конвертациясини таъминлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, Ғарб оммавий ахборот воситалари ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал қилишга фаол киришди. Ўзбекистон раҳбари қўшни мамлакатлар, узоқ ва яқин хориж давлатлари, жумладан, Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликни жадал кенгайтирмоқда.

Экспертнинг фикрича, Ўзбекистонда рўй берган муҳим ички ўзгаришлар қаторида ўқитувчилар ва соғлиқни сақлаш ходимларини пахта йиғим-теримига жалб қилиш тақиқланганини қайд этиш мумкин. Бу борадаги ишларнинг давом эттирилиши Ўзбекистон пахтасини ташқи бозорда сотиш кўламини кенгайтириш имконини беради, деб ҳисоблайди америкалик шарҳловчи.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимиз тўқимачилик ва енгил саноатининг экспорт салоҳияти

Унинг ортиши ҳамда янги савдо йўлларини очилишида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси муҳим ўрин тутади. Негаки, Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси (ICAC)нинг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилган мазкур форумда саноатимизнинг ушбу жабҳасидаги ютуқлар, энг сара маҳсулотлар намойиш этилиб, чет эллик ҳамкорлар учун ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш имконияти яратилади.

Бу галги ярмарка қўмитанинг “Глобаллашув ва технологик тараққиёт даврида пахта” мавзуидаги етмиш олтинчи ялпи мажлиси билан бир пайтда ўтказилаётгани унинг нуфузини янада оширмоқда.

“Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамиятидан маълум қилишларича, мазкур тадбирга пухта ҳозирлик кўрилди. Айни пайтда жамият тизимида 450 дан зиёд корхоналар фаолият юритаётган бўлиб, юртимизда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотларининг асосий қисми уларнинг улушига тўғри келаяпти.

Дарҳақиқат, соҳа корхоналари томонидан ички бозор трикотаж ҳамда тикувчилик маҳсулотлари билан тўлдирилиши баробарида, юқори сифатли калава ип, газлама, трикотаж буюмлар ҳамда турли дизайндаги кийим-кечаклар дунёнинг 54 мамлакатига сотилмоқда. Аниқроғи, ўтган йили 1 миллиард 146 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиёти бажарилди.

Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги “2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ҳамда улар турларини янада кенгайтириш борасидаги ишларга янги суръат бағишлади. Сабаби, ушбу ҳужжатда умумий қиймати 2 миллиард 200 миллион долларлик 132 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши белгилаб берилган. Бу, ўз навбатида, тармоқда ташқи савдо салоҳиятини 2 миллиард 500 миллион долларга етказиш, 25 мингдан зиёд қўшимча иш ўринлари очиш имконини яратади.



Жамият мутахассисларининг айтишича, кейинги йилларда бамбук ва модал калава ип, аралаш калава ип, жаккард ҳамда рингель мато каби янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилгани ҳам экспорт амалиётлари фаоллашишини таъминлаяпти. Жорий йил якунига қадар унинг ҳажми 1 миллиард 300 миллион доллардан ошиши кутилаётгани бунинг яққол далилидир.

Пойтахтимиздаги “Ziyoda Art Textile” масъулияти чекланган жамияти фаолиятига илғор технологияларни жорий этиш, ҳар мавсумда янги маҳсулотлар тақдим қилиш орқали ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллаган корхоналардан бири ҳисобланади. Гап шундаки, бу ерда ишлаб чиқарилаётган тайёр кийим-кечакларнинг 70 фоизи Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилинаяпти.

— Биз МДҲ бозорлари билан чекланиб қолиш ниятида эмасмиз, — дейди ушбу корхона раҳбари Умида Мадиева. — Тез орада АҚШ ҳамда Европа мамлакатларига чиқиш — асосий мақсадимиз. Шу боис даромадимизнинг қарийб 50 фоизи ишлаб чиқаришни модернизациялашга йўналтирилмоқда. Тикув машиналари эса ҳар беш йилда замонавийсига алмаштирилаяпти. Натижада йилига ўртача 1 миллион АҚШ долларилик рақобатдош маҳсулотлар тайёрланиб, маҳаллий ва хорижлик буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кучли рақобат шароитида ташқи бозордан муқим жой эгаллаш осон эмас. Буни чуқур ҳис қилган корхонанинг 200 кишилик жамоаси маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш, янги моделларни яратиш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда. Бунда Моделлаштириш ва конструкторлик бўлими ташкил этилиб, 50 минг долларлик замонавий ускуна ҳамда дастгоҳлар билан жиҳозлангани қўл келаяпти. Бўлимнинг беш нафар мутахассиси томонидан бозор талаби, харидорлар хоҳиш-истагидан келиб чиқиб, ҳар мавсумда болалар, эркаклар, аёллар либослари, спорт ва бош кийимлар, махсус уст-бошларнинг юзлаб моделлари яратилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Туркия:

## Икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим қадам

*Ўзбек ва турк халқларини асрлар давомида шаклланган анъаналар, урф-одатлардаги ўхшашликлар, умумий қадриятлар боғлаб туради. Халқлар ўртасидаги бундай яқинлик икки давлат муносабатларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. 1992 йил март ойида Ўзбекистон ҳамда Туркия давлатлари ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1992 йил апрелда Тошкентда Туркия элчихонаси, 1994 йилда эса Ўзбекистоннинг Туркиядаги дипломатик ваколатхонаси иш бошлади.*

**ТАШҚИ СИЁСАТ**

Вақт синовидан ўтган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари турли соҳаларни қамраб олган 60 дан ортиқ шартнома ҳамда келишувлар доирасида изчил ривожланмоқда. Бу борада 1996 йилда имзоланган Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, савдо, иқтисодиёт, фан-таълим, туризм, транспорт, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда ҳам узвий ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғон ўртасидаги мунтазам учрашувлар, шубҳасиз, ўзаро ишончга асосланган муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. 2016 йил ноябрь ойида Туркия Президентининг Самарқандга ташрифи, 2017 йил май ойида Хитойда бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” анжумани, шунингдек, сентябрь ойида Қозоғистонда ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити доирасидаги учрашувлар бунга яққол мисолдир.

(Давоми 2-бетда).

## ЁШ ХАЛҚАРО ШАХМАТ УСТАСИ ЖАВОҲИР СИНДОРОВГА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

*Шахмат бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиби, халқаро шахмат устаси Жавоҳир Синдоровга Президентимиз совғаси топширилди.*



Шу муносабат билан Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р. Қурбонов ва бошқалар мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларни тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 10 августдаги “Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида”ги қарорлари соҳа ривожида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бугун юртимиз спортчилари нуфузли спорт анжуманларида — жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинларида юқори натижаларга эришиб, Ватанимиз довруғини бутун дунёга тараннум этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР АДЛИЯ ВАЗИРЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*Тошкент шаҳрида 2017 йил 20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар адлия вазирларининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.*

Мажлисда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари — Ҳиндистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлари, Хитой Халқ Республикаси адлия вазири ўринбосари ҳамда ШҲТда кузатувчи мақомига эга давлатлар — Афғонистон Ислом Республикаси, Беларусь Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси адлия вазирлари иштирок этди.

Шунингдек, ШҲТ Бош котиби ўринбосари ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори ўринбосари қатнашди.

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар адлия вазирларининг қонун устуворлиги, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада тажриба алмашиш борасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга қаратилган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Жумладан, фуқаролар ва бизнесга юридик хизмат кўрсатиш сифатини изчил юксалтириш бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш, ШҲТ маконида инвестицияларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон томони ташаббусига кўра, инвестициявий қонунчиликни такомиллаштириш, инвестиция киритишни енгиллаштириш ва ушбу жараёндаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича қўшимча ҳуқуқий шароитларни яратиш масалалари қизғин муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, ШҲТга аъзо давлатлар фуқаролари учун фуқаролик ва оила масалалари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, сўровлар сифатини ошириш ва улар ўз вақтида кўриб чиқилиши механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жамиятда қонунийликни таъминлаш ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоялашга хизмат қилади.

Кун тартибидан ўрин олган яна бир муҳим мавзу жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишнинг замонавий усулларини жорий этишдир. Шу муносабат билан мажлис қатнашчилари ва меҳмонларига Ўзбекистонда жорий этилган халқ билан мулоқотнинг дунёда ўхшаши бўлмаган янги самарали тизими ҳақида маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда).

**БУГУН «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

## Тил — миллат кўзгуси

*Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнида, энг аввало, ўзбек тилининг мавқеини юксалтиришда 1989 йилнинг 21 октябрида "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши беқиёс аҳамият касб этади. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ўзбек тилини давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида қўллашнинг қонуний асосларини яратиши баробарида, уни асраб-авайлаш, янада бойитиш, илмий-ижодий фаолиятда тўлақонли фойдаланиш имконини пайдо қилди.*

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши унинг ривожланишида, маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик, олий қадрият сифатида шаклланишида кучли омил бўлаяпти. Шу билан бирга, бошқа тилларнинг ҳам изчил тараққий топишини ҳар томонлама кафолатламоқда. Жумладан, давлат тилини ўрганиш учун фуқароларга шарт-шароит яратиш, шунингдек, юртимизда яшовчи миллат ҳамда элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш Қонуннинг алоҳида моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Маълумки, давлат тили ва бошқа тилларнинг ривожланишида таълим муассасалари катта роль ўйнайди. Қонунга мувофиқ, мактабгача таълим муассасалари давлат тилида фаолият кўрсатиши билан бирга, миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда уларнинг ўз тилларида ҳам фаолият юритадиган мактабгача таълим муассасалари ташкил этилиши таъминланиши белгиланган. Шунингдек, юртимиз аҳолисига таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилган бўлиб, давлат тилида ҳамда бошқа тилларда умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий маълумот олиш таъминланган. Хусусан, мактаб таълими 7 та — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ҳамда тожик тилларида олиб борилмоқда.

Мазкур ҳужжат давлат бошқарувида, ижтимоий ҳаётда, халқаро ва миллатлараро муносабатларда, ишлаб чиқаришда, судлов ишларида, нотариал ҳаракатларда, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатларда, ахборот олиш ҳамда инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ турли муносабатларда давлат тили ҳамда бошқа тилларнинг қўлланилишини тартибга солувчи нормаларни қамраб олган.

Қонунда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари давлат тилида қабул қилиниб, шу тилда ва бошқа тилларда эълон қилиниши белгилаб қўйилган. Бу эса мамлакатимизда яшовчи турли миллат ҳамда элатларнинг нафақат ўз тилларидан эркин фойдаланиши, балки юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларидан ўз вақтида бохабар бўлиши, қонун нормаларини тўғри талқин этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## Битим имзоланди

*Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўзлари сайланган ҳудудларда тадбиркорлар билан бевосита мулоқотлар олиб бормоқда. Халқ вакиллари мазкур учрашувларда уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирларни кўриш, қонунчиликни такомиллаштиришга оид масалаларга алоҳида аҳамият қаратаяптилар.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши, унинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда қайд этилганидек, тадбиркорлик ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишда муҳим омил саналади.

(Давоми 2-бетда).

